

УДК 338

DOI: 10.56937/.v6i8a1

Исаков Жанабай Якыпбаевич

ТДИУ “Банк иши ва инвестициялар” кафедраси профессори, и.ф.д., e-mail:
6533583 @ mail.ru

Йулдашев Одилбек

ТДИУ магистранти. odil.yuldashev.91@mail.ru

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА ТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ИМКОНИАТЛАРИ

Аннотация: Мақолада рақамли иқтисодиётда туризм индустриясини ривожлантиришнинг инвестицион имкониятлари ўрганилиб, республикамиз туризм индустриясини 2025 йилгача ривожлантиришда инвестициялардан фойдаланиш йўналишларининг устивор вазифаларига оид хулосалар қилинган ва инвестициялар асосида уни такомиллаштиришга оид аниқ тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, туризм индустрияси, хусусий инвестиция, ахборот технологиялари, кредит, меҳмонхона, турагент.

Кириш

“Рақамли иқтисодиёт” термини биринчи марта Массачусетс университетининг америкалик дастурчи олими Николас Негропonte томонидан 1995 йилда амалиётга киритилди¹. Рақамли иқтисодиёт – бу рақамли ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга асосланган иқтисодий, ижтимоий ҳаёт тарзи асосида юзага келган муносабатлар тизими.

Рақамли иқтисодиёт давлат бошқаруви тизими, иқтисодиёт, бизнес, ижтимоий соҳа ва бутун жамият ривожланишининг янги асоси сифатида юқори технологияли бизнес тузилмалари томонидан электрон маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқаришга ва уларни электрон тижорат орқали сотишга асосланган тизимдир. Баъзида у интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб-иқтисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодаланади. “Рақамлаштириш” атамаси эса рақамли иқтисодиётга ўтиш жараёнини англатади ва ахборотни яратиш, қайта ишлаш, алмашиш ва узатиш каби рақамли технологияларга асосланади.

Рақамли иқтисодиёт рақамли технологияларга асосланган электрон тижорат асосида ривожланади. Бу эса бугунги глобаллашув жараёнларининг янада жадаллашуви ва унда давлатлар иштирокининг фаоллашуви негизида ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги, таннархни пасайтириш ва юқори қўшилган қиймат, янги иш ўринларини яратиш, иқтисодий ривожланиш ва жаҳон иқтисодиётида рақобатнинг кучайишига сабаб бўлади. Унинг устувор ресурси бўлган ахборот ва уни самарали бошқариш туризм саноати учун ҳам жуда муҳим омил ҳисобланади.

Туризм индустрияси рақамли технологияларни фаол жорий этиш ва улардан фойдаланишга йўналтирилган. Кўпгина туризм корхоналари ўзларининг бизнес-жараёнларини рақамли иқтисодиётни ривожлантириш парадигмасига мувофиқ равишда қайта қуришмоқда, булар онлайн саёҳат брон қилиш тизими, электрон тижорат, электрон хизмат ва ҳ.к. Шундай қилиб, бугунги кунда сайёҳлик саноати рақамли иқтисодиёт шароитида ривожланишда давом этмоқда, бу эса бозор иқтисодиётининг энг оғир шароитида ушбу соҳани ҳар қандай ўзгаришларга

¹ <http://www.fingramota.org/teoriya-finansov/item/2198-что-такое-цифровая-экономика>

нисбатан анча мослашувчан бўлишига имкон беради, бу эса рақамли технологиялар ривожланаётган дунёда рақобатбардошлик даражасини сезиларли даражада оширади.

Юзага келган COVID-2019 коронавирус пандемияси таъсири остида жаҳон туризм индустриясида ўтган 2020 йилда 4.5 трлн. АҚШ долларлик даромад йўқотилди, 62 млн. кишилик иш ўрнини йўқотди¹, бунинг натижасида ўн минглаб компаниялар бутунлай инқирозга учраб, ёпилиб кетди. 2022 йилда ҳам жаҳонда коронавируснинг янгидан-янги (британча, африкача, ҳиндча ва бошқа) штампларининг пайдо бўлиши туризм саноатининг янада кулашига таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун дунё мамлакатлари янги рақамли технологиялар, рақамли платформалар ва бизнес моделларини яратиш орқали туризм индустрияси ва иқтисодиёт ривожини сақлаб қолиш борасида жиддий бош қотира бошлади.

Мазкур муаммоларни ҳал этишда эса салмоқли миқдордаги инвестицияларга бўлган талаб юзага келади. Бу эса рақамли технологияларни жорий этиш билан бирга туризм хизматлари соҳасида янги йўналишлар ва имкониятларни ҳам оширишга бўлган талабни кучайтирмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади

Мазкур тадқиқотнинг асосий мақсади рақамли иқтисодиёт шароитида туризм индустриясини ривожлантиришнинг инвестицион имкониятларини ва улардан самарали фойдаланиш йўналишларини аниқлашдан иборатдир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Туризм индустрияси тушунчаси иқтисодий адабиётларда олимлар ва турли манбаларда тадқиқотчилар томонидан турлича талқин этилган. Бироқ, бугунги кунга келиб унинг ривожланиш ҳолати туризм индустриясининг мураккаб ва йирик соҳа эканлигини кўрсатмоқда. Шу нуқтаи назардан Морозов М.А. бошчилигидаги олимлар гуруҳининг ушбу атамага берган таърифи туризм индустрияси мазмунини имкон қадар тўла қамраб олишга муносиб тушунчани акс эттирганлигини кўриш мумкин. “Туризм индустрияси – иқтисодиётнинг йирик мустақил мажмуаси бўлиб, унинг тармоқлари ва корхоналари гуруҳидан иборат бўлиб, уларнинг функциялари бўш вақтларда кўнгил очиш ва дам олишнинг ҳар хил турларига бўлган тобора мураккаблашган ва турли-туман талабни қондиришга асосланади”².

Яна бир олим Кутепова Г.Н. берган таърифга кўра, “Туризм индустрияси – бу мураккаб динамик тизим бўлиб, унда туроператорлар ва турагентлардан ташқари истеъмолчига хизмат кўрсатувчи ва шу билан туризмни махсус иқтисодий ҳодиса сифатида имкон яратадиган кўплаб корхоналар мавжуд”³. Бу тизим марказида у профессионал туризм таълимини кўрган ҳолда, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш туризм соҳасида янги йўналишларни кашф этиш ва ривожлантиришда бош омил сифатида баҳолайди.

Туризм индустрияси соҳасида тадқиқотлар олиб борган Маклашина Л.Р. унинг юқори даромадли ва тез ривожланиб бораётган соҳалардан эканлигини таъкидлайди. “Замонавий туризм индустрияси жаҳон иқтисодиётининг энг йирик, энг даромадли ва тез ривожланаётган соҳаларидан биридир. Туризм хизмат кўрсатиш соҳаси

¹ <https://www.interfax.ru/business/763066>

² Морозов М.А., Морозова Н.С., Карпова Г.А., Хорева Л.В. Экономика туризма: учебник. – М.: Федеральное агентство по туризму, 2014. – С. 28.

³ Кутепова Г.Н. Анализ рынка вакансий туроператорских и турагентских компаний г. Москвы. Индустрия туризма: возможности, приоритеты, проблемы и перспективы: сборник научных трудов XI Международной научно-практической конференции. – 5-6 декабря 2018 г. – М.: Московский государственный институт индустрии туризма имени Ю.А. Сенкевича, 2018. –С. 80.

сифатида мамлакат ичкарасида миллий даромадни қайта тақсимлашнинг муҳим воситаси бўлиб, иқтисодиётнинг кўплаб соҳаларини ривожлантиришга мултипликацион таъсир кўрсатади”¹.

Рақамли иқтисодиёт шароитидаги жадал ривожланиш мамлакатлар ўртасидаги рақобатни янада кучайтирмоқда ва бунга туризм индустрияси ривож ва ундаги инновацияларнинг ҳам фаол тадбиқи ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шунга асосланиб, тадқиқотчи-олим, и.ф.н. Хайдар Лотфи шундай хулосага келадики, “Бугунги кунда бутун дунёда сайёҳларни жалб қилиш учун алоҳида мамлакатлар ўртасида рақобат кучайиб бормоқда, бу эса туризм индустриясини жойлаштиришнинг янги усуллариини излашга олиб келади”². Бу эса соҳада рақамли технологияларни жадал қўллаш билан боғлиқ электрон тижорат шаклига ҳам кенг йўл очиб берилиш имкониятларини ҳам тадқиқ этишни тақозо этади.

Шунга кўра, рус олимлари Н.Морозова ва М.Морозовлар замонавий туризм индустрияси янги компьютер технологияларини жорий этилиши билан улкан ўзгаришларга эга бўлганлигини, ҳар қандай ташкилотни туристик бизнес бозорида замонавий ахборотлар технологиясидан фойдаланилмасдан муваффақиятли фаолият кўрсатиши амалиётда мумкин эмаслигини таъкидлайдилар. Улар шундай асосли илмий хулосаларни берадики, унга кўра, туризм маҳсулотини яратиш ва туристларни жойлаштириш имкониятлари ҳақида маълумотларни тақдим этиш, жойларни тез брон қилиш ва резервлашни таъминлаш, туристик хизматлар (чипталар, ҳисоблар ва йўналиш бўйича кўрсатма, йўл хариталари каби ҳужжатларни параллел расмийлаштириш, ҳисоб-китоб ва маълумотномали ахборотлар билан таъминлаш ва ш.к.лар)ни тақдим этишдаги қўшимча вазифаларни ҳал этишни автоматлашган тарзда таъминлайдиган тизимларни яратишни талаб этади. Ушбу натижага эса тизимда ахборотни қайта ишлаш ва узатиш учун замонавий компьютер технологияларидан кенг фойдаланиш шароитидагина эришиш мумкин. Туризм индустрияси шунчалик кўп турли ва кўп қирралики, у турли ахборот технологияларини қўлловчи алоҳида ҳолдаги туристик фирма ёки отел ишини автоматлашни таъминловчи махсус дастурий воситаларни яратишдан то глобал компьютер тармоқларидан фойдаланишни ҳам талаб этади.

Туризм соҳасига йўналтириладиган инвестициялар ўзига хос жиҳатларга эга бўлиб, унга оид масалалар Боголюбов В.С., С.А. Быстров, Боголюбова С.А. томонидан атрофлича ўрганилган. Ушбу муаллифлар жамоаси туризмда инвестициялар тушунчасига шундай таъриф беради: “Туризмга хос инвестиция деганда мамлакат ичкарасидаги сингари ташқарисида ҳам қўйилган маблағдан керакли миқдордаги фойдани олиш мақсадида молиявий ресурслардан туризм соҳасида узоқ вақт муддатли (бир йилдан ортиқ муддатга) капитал қўйилмалар шаклида фойдаланишни англатади. Бошқача қилиб айтганда, туризмга инвестициялар – капитал ёрдамида янги туристик объектларни яратиш, модернизациялаш ёки муайян турдаги туристик хизматларни ишлаб чиқарувчи ва тақдим этишга қодир бўлган мавжудларини реконструкция қилиш, шунингдек, номоддий активлар (ихтиролар, ноу-хау ва ш.к.лар)ни яратиш сифатида ўзини намоён этади. Шундай қилиб, туристларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашда

¹ Маклашина Л.Р. Деловой туризм – инструмент продвижения индустрии туризма. // Актуальные вопросы экономических наук: материалы междунар. науч. конф. – (г. Уфа, июнь 2011 г.). / Под общ. ред. Г.Д. Ахметовой. – Уфа: Лето, 2011. – С. 122. // ISBN 978-5-87308-044-1.

² Хайдар Лотфи. Экономико-географические особенности развития и размещения туристической индустрии Ирана (на примере провинции Хормозган). – Дисс. на соис. уч. ст. кан-т географических наук. – Душанбе: Таджикский государственный педагогический университет имени Садриддина Айни. – 2018. – С. 3.

катта ҳажмдаги туристик хизматларни ишлаб чиқариш ва тақдим этишга қодир бўлган янги туристик объектларни яратиш ғояларини моддийлаштириш жараёни кечмоқда”¹.

Тадқиқотчилар эътиборини туризм саноатининг капитални кўп талаб қиладиган қисми сифатида туристик корхоналарнинг, асосан, меҳмонхоналарнинг инвестиция фаолиятини баҳолашнинг айрим жиҳатлари жалб қилади².

Шуниси эътиборлики, Хитой халқи дунё бўйича ички ва ташқи туризмда энг кўп туристик саёҳат қилувчи мамлакат ҳисобланади. Шу сабабдан бугунги кунда Хитой ички ва ташқи туризмни ривожлантириш мақсадида меҳмонхоналарни қуриш, турларини кўпайтириш, уларда хизмат кўрсатиш ва қабул қилишда турли усулларни қўллашда янги инновацион ғоялардан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда³. Туризм индустриясининг салоҳияти юқори бўлиб, у инсон капиталини ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу масалада муаллиф Д.М.Абдураимов ўз мақоласида қуйидаги илмий-тадқиқот хулосаларини баён этган: “Туризм соҳаси инсон салоҳияти ривожланишининг муҳим омили бўлиб бормоқда. Шундай экан, бу муайян мамлакат ёки ҳудудда янги иш ўринларининг яратилиши, қўшимча инвестицияларнинг жалб қилиниши, солиқ тушумларининг ошиши, маданий, тарихий ва табиий бойликларни сақлаш ҳамда оқиллона фойдаланишда ўз аксини топмоқда”⁴.

Юқорида кўриб ўтилган мутахассисларнинг фикрига кўра, туризм индустриясини ривожлантириш мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий фаолияти ва халқаро интеграциясини ривожланишига бевосита таъсири юқори эканлиги асослаб берилган. Бунда мавжуд имкониятларни тўла ишга солишда инвестициялар асосий омил сифатида майдонга чиқади.

Тадқиқот методологияси

Рақамли иқтисодиёт шароитида туризм индустриясини ривожлантиришнинг инвестицион имкониятларини ва ундан фойдаланишнинг аҳамиятини ўрганиш методологияси қўлланилиб, бу борада мухатассис ва олимлар ёндашувлари ва фикрларини ўрганган ҳолда кузатиш, иқтисодий гуруҳлаш, омилларни таҳлил қилиш, қиёслаш, эмперик тадқиқот, тизимли ва қиёсий таҳлил ҳамда эксперт баҳолаш каби умумий илмий таҳлил қилиш методлардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Сўнгги йилларда туризм дунё иқтисодиётида энг жадал ривожланаётган тармоқлардан бирига айланди.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистоннинг мавжуд табиий, географик, тарихий, маданий, маънавий, этнографик, миллий бойликлари, мерос ва шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда мамлакатда туризм индустриясини ривожлантириш ва унда рақамли технологиялар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, 2019 йил 18 июлда Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги ЎРҚ-549-сонли Қонуни қабул қилинди, шунингдек, туризм соҳасига

¹ Боголюбов В.С., С.А. Быстров, Боголюбова С.А. Экономическая оценка инвестиций в развитии туризма: учеб. пособие. – М.: Академия, 2009. – С. 6.

² Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Экономика туризма: учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 2000. – С. 35-36.; Гулямов В.Г., Селиванов И.А. Туризм: экономика, управление, устойчивое развитие. – М.: Российская международная академия туризма. Советский спорт, 2008. – С. 215-216.

³ Barnabe Walheer, Linjia Zhang. Profit Luenberger and Malmquist-Luenberger indexes for multi-activity decision-making units: The case of the star-rated hotel industry in China //International Journal of Tourism Management. Pages 1-604 (December 2018) pp.1-11.

⁴ Абдураимов Д.М. Туризм инфратузилмаси таркибий қисм элементлари ва функциялари. // “Иқтисод ва молия” журналі, 2021. – №2 (138). Б. 17.

оид бевосита ва билвосита алоқадор бўлган 60 дан ортиқ ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, ижрода амал қилинмоқда.

Ўзбекистонда туризм индустриясини жадал ривожлантириш рақам иқтисодиёт салоҳиятини оширишга кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу муносабат билан мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш Ўзбекистон учун келгуси йилларда энг долзарб ва устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев парламентга йўлланган Мурожаатномасида таъкидлаганидек, “Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда.

... Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш - келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4563-сонли Қарорида республикаимизда бир қатор йирик инвестиция лойиҳаларни амалга ошириши белгиланган. Жумладан, 2020-2022 йил мобайнида ахборот технологиялари ва телекоммуникациялари соҳасидаги лойиҳаларга 676,8 миллион долларга тенг инвестицияларини жалб қилиниши режалаштирилган. Яъни:

- 2020 йилда умумий қиймати 178,7 млн. АҚШ доллари, шундан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар – 139,2 млн. АҚШ доллари, давлат кафолати остидаги кредитлар – 37,5 млн. АҚШ доллари. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январдаги ПҚ-4563-сон Қарори билан тасдиқланган 2020 йилги Инвестиция дастурига мувофиқ ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш соҳаси бўйича 2020 йил давомида тасдиқланган барча инвестиция лойиҳалари амалга оширилиб, белгиланган режа ортиғи билан бажарилишига эришилди”¹;

- 2021 йилда умумий қиймати 241,7 млн. АҚШ доллари, шундан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар – 171,9 млн. АҚШ доллари, давлат кафолати остидаги кредитлар – 67,7 млн. АҚШ доллари;

- 2022 йилда эса лойиҳаларнинг умумий қиймати 256,4 млн. АҚШ долларида тенг мўлжалланган бўлса, шулардан 180,1 млн. АҚШ долларини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, давлат кафолати остидаги кредитлар эса 73,1 млн. АҚШ долларини жалб қилиниши кўзда тутилган.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4699-сонли Қарорига мувофиқ 2020-2022 йилларда ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш бўйича умумий қиймати 17,6 трлн. сўм бўлган 35 та устувор лойиҳалар амалга оширилиши белгиланган.

Мазкур лойиҳаларнинг 44,8 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кафолатланмаган кредитлар ҳисобидан, 33 фоизи давлат кафолати остидаги

¹ 2020 йил давомида қатор инвестиция лойиҳалари режа бўйича бажарилди. 05.02.2021 й. // <https://mitc.uz/uz/news/2158>

кредитлар ҳисобидан амалга оширилиши режалаштирилган.

Эришилган мазкур амалий натижалар туризм индустриясини рақамли технологиялар асосида янада фаол ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда¹.

Зеро, республкамиз Президенти Ш.Мирзиёев таъбирлари билан айтганда, "...туризмни ривожлантириш, соҳага инвестициялар жалб этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича комплекс чоралар кўришимиз лозим"².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги "Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5781-сонли Фармони туризм инфратузилмасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, тақдим этилаётган хизматлар сифатини ошириш ва жаҳон бозорларида миллий туризм маҳсулотларини фаол тарғиб қилиш, туризм тармоғининг кадрлар салоҳиятини кучайтириш орқали туризм соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш ҳамда республикага кириб келаётган хорижий фуқаролар сонини кескин кўпайтириш мақсадида қабул қилиниб, унинг асосида 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси ва унинг асосий йўналишлари тасдиқланди.

2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси асосида келгуси 2021-2025 йиллар давомида туризм индустриясида қуйидаги ривожланишларга эришиш кўрсаткичлари белгиланган (1-жадвал).

1-жадвал.

Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепциясини келгуси 2021-2025 йиллар амалга ошириш мақсадли кўрсаткичари³

№	Кўрсаткичлар номи	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.
1.	Ўзбекистонга ташриф буюрадиган хорижий туристлар сони, минг киши	8410	10010	10600	11250	11810
2.	Туризм хизматлари экспорти, млн. АҚШ доллари	1620	1900	2000	2080	2170
3.	Ички туристлар сони, минг киши	18806	20317	21867	23404	25010
4.	Меҳмонхоналар ва шу каби жойлаштириш воситалари сони, дона	2200	2600	2800	2900	3050
5.	Жойлаштириш воситаларидаги хоналар сони, мингта	47	55	59	62	64
6.	Жойлаштириш воситаларидаги ўринлар сони, минг та	95	110	122	124	128
7.	Туроператорлар сони, нафар	1250	1320	1390	1420	1450

1-жадвал маълумотлари 2025 йил якунида Ўзбекистонга ташриф буюрадиган хорижий туристлар сони 11810 кишини ташкил этиши, туризм хизматлари экспорти эса 2170 млн. АҚШ долларини ташкил этиши, ички туристлар сони эса 25010 кишига етиши кўзда тутилган. Мазкур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги ПФ-5781-сонли Фармони асосида 2020 йил учун ҳам 1-жадвалдаги кўрсаткичлар асосида мақсадли режалар белгиланган бўлиб, бироқ, COVID-2019

¹ Ахборот технологиялари соҳасига инвестициялар. // <https://mitc.uz/uz/pages/investing>

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 28.12.2018 й. // <http://uza.uz/uz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliyasy-28-12-2018>.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги "Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5781-сонли Фармони. // www.lex.uz

коронавирус пандемияси сабабли ушбу 2020 йилда Ўзбекистонга ташриф буюриши кўзда тутилган 7010 минг кишилик хорижий туристлар ўрнига 1,5 млн. киши келиши, туризм хизматлари экспорти эса 1360 млн. АҚШ долларига олиб чиқиш ўрнига 261 млн. АҚШ долларини ташкил этиши, 17230 минг кишилик ички туристлар ташрифи ўрнига 1,8 млн. киши ташрифи таъминланган. Ўз набатида, 1-жадвал кўрсаткичлари асосида 2019 йил учун режалаштирилган хорижий туристлар оқими 6041 минг киши ўрнига 6748,5 минг киши ташрифига, туризм хизматлари экспорти 1180 млн. АҚШ долларига етказиш ўрнига 1313,0 млн. АҚШ долларига етказилишига эришилди, аммо, ички туристик оқимнинг режадаги 16100 минг киши ўрнига амалда 14748,0 минг кишига тушиб кетишига олиб келинди.

Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда туризм индустриясини ривожлантиришда ташкилий-ҳукукий жиҳатдан қанчалик давлат томонидан кўп эътибор ва имконият берилаётганига қарамай, унга йўналтирилаётган инвестициялар ҳажмида кутилганидек самаралар кузатилмаяпти. Бунга қуйидаги 2-жадвал маълумотлари яққол тасдиқлаб турибди.

Жадвал маълумотларига асосланиб шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистонда туризм индустриясига йўналтирилган инвестициялар 2010-2019 йиллар давомида микдоран сезиларли тарзда ўсиб борган бўлса-да, бироқ, унинг асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳамда мамлакат ЯИМга нисбатан улуши жуда ҳам кичик эканлигини кўрсатмоқда. Айниқса, туризм индустриясига йўналтирилган инвестициялар ҳажми 2016 йилдан бошлаб аввалги йилларга нисбатан юқори ўсишни қайд этиб келган бўлса-да, аммо, шу даврдан бошлаб 2020 йил бошига қадар уларнинг жами асосий капитал таркибидаги улуши аксинча ҳолатни яъни пасайиб бориш натижаларини қайд этган.

2-жадвал.

Ўзбекистон Республикасида туризм индустриясига йўналтирилган инвестициялар динамикаси¹

№	Йиллар	Кирилган инвестициялар ҳажми, млрд. сўмда	Ўтган йилга нисбатан ўсиши, фоизда	Кирилган инвестицияларнинг жами асосий капиталга инвестициялар таркибидаги улуши, фоизда	Кирилган инвестицияларнинг ЯИМга нисбатан улуши, фоизда
1	2010	357,8	100,0	2,2	0,5
2	2011	421,2	117,7	2,2	0,4
3	2012	514,7	143,9	2,1	0,4
4	2013	606,3	169,5	2,0	0,4
5	2014	731,4	2,0 м.	1,9	0,4
6	2015	851,4	2,4 м.	1,9	0,4
7	2016	1052,1	2,9 м.	2,1	0,4
8	2017	1428,3	4,0 м.	2,0	0,5
9	2018	1956,1	5,5 м.	1,8	0,5
10	2019	1741,6	4,8 м.	0,9	0,3

Бунга, албатта, туризм индустриясига йўналтирилган инвестицияларга нисбатан асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажмида юқори

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган. // <https://stat.uz>

ўсишларга эришилганлиги ўзининг таъсирини кўрсатган.

Бу ҳолат туризм индустриясига йўналтирилган инвестицияларнинг мамлакат ЯИМ ҳажмига нисбатан эгаллаган улушида янада равшанлик касб этган. Хусусан, таҳлил этилган даврнинг сўнгги йилига келиб туризм индустриясига йўналтирилган инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши энг кичик – 0,3 фоизни ташкил этган. Мазкур ҳолатлар мамлакатда туризм индустриясини янада ривожлантириш ва унга инвестицияларни фаол жалб этиш масаласига жиддийроқ эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатади.

Ўз навбатида, туризм индустриясига йўналтирилган инвестицияларнинг ижтимоий-иқтисодий самараларини ҳам таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир. Буни 3-жадвал маълумотлари асосида кўриб чиқиш ўринлидир.

3-жадвал.

**Ўзбекистон Республикасида туризм индустрияси ривожланишининг
ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари динамикаси¹**

№	Кўрсаткичлар	Йиллар					2020 йилда 2016 йилга нисбатан ўсиши, фоиз
		2016	2017	2018	2019	2020	
1	Ўзбекистонга ташриф буюрадиган хорижий туристлар сони, минг киши	2027,0	2690,0	5346,8	6748,0	1504,1	-25,8
2	Туризм хизматлари экспорти, млн. АҚШ доллари	430,7	531,0	1041,1	1313,0	261,0	-39,4
3	Ички туристлар сони, минг киши	8855,2	10562,1	12487,0	14748,0	1800	-79,7
4	Меҳмонхоналар ва шу каби жойлаштириш воситалари сони, дона	750	764	914	1188	1308	1,7 м.
	Мавжуд ўринлар сони, минг та	34	39,8	41,1	52,5	62	1,8 м.
6	Туризм соҳасида банд бўлганлар, минг киши	170,9	187,6	201,0	260,1	X*	1,5 м.**
7	Туроператорлар сони, бирлик	411	561	983	1482	1158	2,8 м.
8	ЯИМда туризмнинг улуши, фоизда	2,1	2,5	2,5	2,6	X*	0,4 ф.п.**

Изоҳ: * – 2020 йил маълумотлари топилмади; ** – 2019 йилга нисбатан ҳисобланди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамда Туризм ва спорт вазирлиги маълумотлари асосида тузилган. // <https://stat.uz>; <https://minsport.uz/uz/ministry>

3-жадвал кўрсаткичлари 2020 йилга келиб, мамлакатимизда туризм индустриясида коронаинқироз таъсири остида сезиларли йўқотишларга дуч келинганлигини кўриш мумкин. Бироқ, 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси ижросини таъминлаш вазифаси ҳар бир онда ўз долзарблигини йўқотмайди. Хусусан, унга кўра, жорий 2021 йилда хориждан ташриф буюрувчилар сони 8400 тани ташкил этиши кўзда тутилган бўлса, 2020 йилдаги кескин пасайишдан кейин эндиликда амалда бу миқдорни 7500 тага етказиш прогноз қилинган.

Умуман олганда, юқоридаги таҳлил кўрсаткичлари мамлакатимизда туризм индустриясини ривожлантиришда инвестицияларга бўлган талаб юқорилигини кўрсатади. Зеро, соҳага йўналтирилган инвестициялар туризм инфратузилмаси ҳолатини, соҳанинг инвестицион салоҳияти ва жозибadorлиги оширишда, пировардида, ички ва ташқи туристк оқимни янада кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистонда “Рақамли Ўзбекистон – 2030 Стратегияси”да белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, рақамли иқтисодиётнинг туризм индустриясида ҳам ривожланишини таъминлаш ҳамда бунинг учун зарур бўлган инвестицияларнинг фаол жалб этилишига эришиш чорларини кўриш лозим.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида республикаимизда рақамли иқтисодиёт шароитида туризм индустриясини янада ривожлантиришнинг инвестицион имкониятларини ошириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш муҳим деб ҳисоблаймиз:

1. Туризм индустрияси тараққиётида давлат-хусусий шерикчилик амалиётини ва шу асосда соҳага хусусий инвестициялар оқимини кучайтириш лозим.

2. Туризм индустриясида рақамли технологиялар ва платформалар асосида замонавий хизмат кўрсатиш тизимини яратиш зарур. Бунда хорижий тажрибалардан келиб чиқиб, меҳмонхоналар ўртасидаги рақамли хизмат алоқалари тизимини яратиш лозим. Ўзбекистонда бу тизимни шакллантиришга ҳали етарли даражада эътибор қаратилмаган. Бу эса туристларнинг ўз манзилларида ўзгаришлар бўлган тақдирда меҳмонхоналарда жойлашишдаги ноқулайликларни бартараф этишда ўта муҳим ҳисобланади.

3. Ўзбекистонда шаҳар ва шаҳарлараро ҳаракатланишида зарур бўлган санитария-гигиена шаҳобчаларини ташкил этиш ва унда хизмат кўрсатиш сифатини ошириш лозим.

4. Меҳмонхоналар, кўнгил очиш ва дам олиш масканларида бепул Wi-Fi зоналар ташкил этиш зарур.

6. Хорижий туристларга сифатли хизматларни кўрсатиш мақсадида жойларда ходимларга туризм маданияти ва хорижий тилда мулоқот кўникмаларини ўргатувчи ўқув марказлари фаолиятини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда туризм индустриясини ривожлантиришда инвестициялар ва рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш имкониятларимиз юқори бўлиб, улардан самарали фойдаланиш ички ва ташқи туристик оқимни янада кучайтириш билан бирга Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва халқаро интеграциясини фаоллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <http://www.fingramota.org/teoriya-finansov/item/2198-chto-takoe-tsifrovaya-ekonomika>
2. <https://www.interfax.ru/business/763066>
3. Морозов М.А., Морозова Н.С., Карпова Г.А., Хорева Л.В. Экономика туризма: учебник. – М.: Федеральное агентство по туризму, 2014. – С. 28.
4. Кутепова Г.Н. Анализ рынка вакансий туроператорских и турагентских компаний г. Москвы. Индустрия туризма: возможности, приоритеты, проблемы и перспективы: сборник научных трудов XI Международной научно-практической конференции. – 5-6 декабря 2018 г. – М.: Московский государственный институт индустрии туризма имени Ю.А. Сенкевича, 2018. –С. 80.
5. Боголюбов В.С., С.А. Быстров, Боголюбова С.А. Экономическая оценка инвестиций в развитии туризма: учеб. пособие. – М.: Академия, 2009. – С. 6.
6. Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Экономика туризма: учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 2000. – С. 35-36.; Гулямов В.Г., Селиванов И.А. Туризм: экономика, управление, устойчивое развитие. – М.: Российская международная академия туризма. Советский спорт, 2008. – С. 215-216.
7. Barnabe Walheer, Linjia Zhang. Profit Luenberger and Malmquist-Luenberger indexes for multi-activity decision-making units: The case of the star-rated hotel industry in China //International Journal of Tourism Management. Pages 1-604 (December 2018) pp.1-11.
8. Абдураимов Д.М. Туризм инфратузилмаси таркибий қисм элементлари ва функциялари. // “Иқтисод ва молия” журнали, 2021. – №2 (138). Б. 17.
9. 2020 йил давомида қатор инвестиция лойиҳалари режа бўйича бажарилди. 05.02.2021 й. // <https://mitc.uz/uz/news/2158>
10. Ахборот технологиялари соҳасига инвестициялар. // <https://mitc.uz/uz/pages/investitory>
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 28.12.2018 й. // <http://uza.uz/uz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliyasy-28-12-2018>.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чоратadbirlari тўғрисида”ги ПФ-5781-сонли Фармони. // www.lex.uz
13. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган. // <https://stat.uz>
14. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамда Туризм ва спорт вазирлиги маълумотлари асосида тузилган. // <https://stat.uz>; <https://minsport.uz/uz/ministry>